Xalq deputatlari Romitan tumani Kengashi
Q A R O R I

2022 - yil 20 - dekabr VI-75-245-2-40-K/22 Romitan tuman hokimligi

Ромитан тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IVсонли қарорига асосан туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш бўйича таклифлар жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун мудатда “Eqaror” электрон тизимига жойлаштириш белгиланган.

Жамоатчилик ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фикрларини инобатга олиб, шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича таклифларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 126-моддаларига асосан туман ҳокимлигининг Ромитан тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгаши.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосарлари, тегишли бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар:

- туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ва самарали ишлатилишини;

- бажариладиган ишларни тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларисиз ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир

вақтда тайёрлаган ҳолда бажарилишининг олди олинишини;

- пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни белгиланган тартибда тендер ўтказмасдан танлаб олишга йўл қўймаслик чоралари кўрилишини;

- инфратузилма объектларида белгиланган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири в.в.б (У.Жумаев)га:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг параметрларига тегишли ўзгартиришларни киритиш, белгиланган тартибда харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказиш;

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан тизимли мониторинг юритиш ҳамда иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига тўлиқ қайтариш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси (О.Исматов) зиммасига юклансин.

Tuman Kengashi raisi **Barnoyev U. I.**

Xalq deputatlari Romitan tuman
Kengashining
2022 yil 20 dekabrdagi
VI-75-245-2-40-K/22-son qaroriga
1-ilova

Ромитан туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлар режасини ошириб бажарилган қисмидаги маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлари тўғрисидаги таклифи

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори (млн.сўмда)
1.	Янги йил байрамига тайёргарлик кўриш ишлари учун	270,0